



Куч—адолатда



АДОЛАТ

Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган 1999 йил, 5 ноябрь, № 35 (228) Жума кунлари чиқади Сотувда эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқ иродаси ва ишончи белгисидир

Ўзбекистон Республикаси — мустақил ва суверен давлат. Бошқарув тизимида кура — Президентлик Республикаси ҳисобланади. Яъни Президент ҳам давлат бошлиғи, айти пайда ҳукумат бошлиғи ҳисобланади. Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бу давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим масала бўлиб ҳисобланади.


Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказишда 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган ва 1997 йил 26 декабрда ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун ва 1998 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси тўғрисида»ги қонунлар асос вазифасини ўтайди. Ушбу қонунларда демократик сайловларнинг халқроқ меъзон ва талаблари тулиқ ҳисобга олинган. Жумладан, 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари тўғрисида»ги Декларация, 1990 йилда қабул қилинган Копенгаген Конференцияси ҳужжатларида ифодаланган сайловларнинг умумийлик, ошқоралик, тенг ҳуқуқлилик, имтиёрийлик, бевоситалик, адолатлилик ва овоз беришдаги яширинлик тамойиллари ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига биноан: Ўзбекистон Республикаси Президентига сайловлар — фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий, бевосита ва тенг ҳуқуқлилик асосида яширин овоз беришлари орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиб, 35 ёшдан кам бўлмаган, давлат тилида эркин сузлаша

оладиган, сайловга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида муқим 10 йил яшаган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайланиши мумкин.

Сайлов ҳуқуқи—Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган ақли расо фуқароларига ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, мулкый аҳоли, тили, жинси, динга муносабати, хизмат туридан қатъи назар тегишли бўлиб ҳисобланади. Сайловда иштирок этиш ҳуқуқида фақат суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топишган ва суд ҳукми билан озодлиқдан маҳрум қилиш жойларида бўлган шахсларга эга бўла олмайдилар. Сайловда бир сайловчи битта овозга эга ҳисобланади. Дарҳақиқат, юқорида таъкидланганидек, сайлов бу халқ иродасининг ва ишончининг белгисидир. Фуқаролар сайловда қатнашиш ва ихтиёрий овоз беришга ҳақли эканлар, уларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашлари устидан назорат қилиниши қонунга биноан таъқиқланади. Фуқаролар сайловда давридаги камчиликлар юзасидан шикоят қилишга ҳақлидирлар, масалан: сайловчилар рўйхатидаги камчилик ва ноаниқликлар, сайлов давридаги юз берган қонунбузарлик ҳолатларини бартараф этишликни талаб қилишга ҳақлидирлар. Даставвал фуқаролар ушбу камчиликларни бартараф этишликни округ сайлов комиссияси раҳбаридан талаб қилади, комиссиянинг шикоятларини кўриб чиқиш юзасидан чиқарган нотўғри қарори устидан эса судга мурожаат эта оладилар.

(Давоми 2-бетда).



Сайловлар... Уларни биз интиқиб кутя-миз. Бунинг боиси бор, албатта. Сайлов бизга катта масъулият юқлайди. Сайлов кунини ҳар биримиз ўз фуқаролик бурчимизни адо этиб, энг муносиб номзодларга овоз бергани сайлов ўқашларига борамиз. Биланмики, биз сайлаган депутатлар Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда ўзгал ва бепаён Ватанимизнинг эртанги истиқболи учун иш олиб борадилар. Эндиликда мустақил юртимизнинг ҳар бир сайлов ўқашларида бу муқим сиёсий воқеага қизгин тайёргарлик кўришмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар

сайлов комиссияси ҳам бу борада муайян ишларни олиб борапти. Сайловчи ҳар томонлама ушқоқлик билан юксак савияда ўтказиш чораларини кўрапти. СўРАТЛАРДА: шаҳар сайлов комиссиясининг компьютерда ишловчи ходими Замира Ёкубова иш ўстириб; шаҳар сайлов комиссияси котиби Машира Шоисаева Ҳамза туманидан бу ерга ташриф бурган сайловчи Ф.Куленкониинг сўровлари бўйича керакли маълумотларни тайёрлапти.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

САЙЁХЛАРГА ЯНГИ МЕҲМОНХОНАЛАР

Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг сайёхлик соҳасида барқарор эътибор берилмоқда. 1993 йилда республикада салкам 40 мингга яқин чет эллик сайёхлар зиёрат қилишган бўлса, 1998 йилга келиб уларнинг сони 270 мингдан ошиб кетди.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилганларидек, ҳомиқларга кўра, 2010 йилга бориб мамлакатимизга келадиган сайёхлар сони яна 3,5 мартага ўсади. Шуларни ҳисоб-

га олган ҳолда, «Ўзбектуризм» хорижий меҳмонларга сервис хизматини яхшиламоқда, отеллар сонини қўлайтирмоқда, мазкур меҳмонхоналарни таъмирдан чиқармоқда. Самарқанд шаҳрида «Президент Отел» қурилиши юзасидан қўшма корхона барпо этилиши, Урганч шаҳрида «Хоразм» меҳмонхонасини реконструкция қилиш ва уларни ишга тушириш лойиҳаси ҳудди шу мақсадни қўлаб қўллаб қўйилди. Ўзбекистон Вазирилар Маҳкамаси фармойиши билан мазкур

лойиҳа техник-иқтисодий асосланиши тасдиқланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда жажон тармоқларининг «Интерконтинентал», «Ле Меридиан», «Шератон» каби меҳмонхоналари фаолият кўришмоқда. Самарқандда «Президент Отел» қурилиши ва «Хоразм» меҳмонхонаси реконструкцияси шу йил борада қабул қилинган. 2005 йилгача туризмни ривожлантириш Давлат дастури бандларидан бири ҳисобланади.

«Туркистон-пресс».

Бугунги кунда ўз миллий қонунчилигимиз ва халқроқ андозалар асосида одамларимизнинг, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини ошириш, уларнинг ўз Конституцион ҳуқуқларини чуқур англаш энг муқим ва долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Ислом КАРИМОВ.



Германиянинг Гиссен шаҳрида «Рот-Феранштальтунгес» немис жамияти ташаббуси билан, шунингдек, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ва Ўзбекистон Республикасининг Германиядаги элчихонаси қўмағида илгари Ўзбекистонда яшаган собиқ ватандошларнинг биринчи учрашуви бўлди. Бу учрашув иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга мурожаатнома қабул қилдилар.

Польша Президенти Александр Квасьневский Каспий нефтини Польша ҳудуди орқали элтиш йўналишлари эҳтимоллари хусусидаги музокараларни олиб бориш мақсадидаги ўзининг Бокуга қилган ташрифини ниҳоясига етказиб, Козогистонга йўл олди.

Россия Федерациясининг федерал қўшинлари илгари аниқланган объектларга зарбалар бермоқдалар. Грознийда Шамиль Басаев уйига қарата зарба берилди.

Ҳаво ҳужумига қарши мудофаа тизимларини синопсис мақсадидаги икки кунлик машқлар ниҳоясига етди. Унда Россия, Арманистон, Белоруссия, Козогистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон ҳарбийлари қатнашдилар.

Литва Бош вазири Роландос Пакус истаёфго қикди. Истаёфнинг бош сабаби Литва нефть мазмуни хусусидаги бўйича юзгага келган келишимовчилардир.

Чех халқи ўзининг миллий байрами — Чехия Республикасининг Мустақиллик кунини нишонлади.

Британия Ҳамдустлигининг турт нафар ташқи ишлар вазири Исламободга келди. Улар Покистонни Британия Ҳамдустлиги сафаридан чиқариш учун зарур материалларни йиғадилар. Делегация раҳбари, Канада ташқи ишлар вазири Ллойд Оксфорт Покистоннинг ҳарбий маъмуриларини фуқаролик бошқарувидаги утишини аниқ режасини тақдим этишга қачирди.

Туркия халқи ўзининг миллий байрами — Туркия Республикаси эълон қилинган кунини нишонлади.

Россия Президенти Борис Ельцин Бош вазири ўринбосари — Россия ҳукуматининг Чеченистондаги муҳтор вакили лавозимини жорий этиш тўғрисида Фармонга имзо чекди.

БМТ Хавфсизлик кенгаши террорчиликка қарши курашни янада қўлайтириш ва тақсилот раҳнамолигида бу борадаги ишларни умумдунёвий микёсга чиқариш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди.

Россия Федерал хавфсизлик хизмати 1998 йилда Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзега суиқасд қилишда иштирок этган халқроқ террорчини қўлга олди.

Россия Федерациясининг федерал ҳарбийлари Грознийга ҳужум бошладилар ва Чеченистон пойтахтига қаршили бир неча вилоятларни эгалладилар.

Индонезияда янги президент сайланди.

Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф 100 миллиондан ортиқ доллари йўригалинда айбланмоқда.

Қирғиз соми тобора қадрсизланиб бораётгани туфайли мамлакатда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошиб бормоқда. Бунинг устига, деб эвади «Қабақ» ахборот агентлиги мушари, республикада айниқса, ёқилги тобора тақчил бўлиб борапти.

Японияда минтақавий хавфсизлик муаммоларига бағишланган халқроқ анжуман бошланди.

Норвегия Сербияга инсонпарварлик ёрдами сифатида 4,5 миллион АҚШ доллари миқдоридида маблағ ажратди.

«ОБУНА — 2000»
«АДОЛАТ» АДОЛАТПАРВАР
КИШИЛАР ГАЗЕТАСИ

«Адолат» газетаси 2000 йилда ҳам ўз ўқувчиларини қатор, чуқур мушоҳадали, изчил мақола ва публицистик материаллар, суд очерклари, фелетонлар билан қувонтиради. Ҳаётимизда учраб турган айрим иллатларни кескин фотиб этиб, жойларда қонун устиворлигини таъминлашга, ижтимоий адолатнинг қарор топишига ҳисса қўшади.

Энг қувончлиси — «Адолат»нинг ҳаммаболлигидир. Сиз ундаги турфа хангомаларни ўқиб бир зум мазза қиласиз. Ҳаётда адабиёт, жиноят қўчасига қирган ёки бошқа қўнғил-сизиллар содир этган кимсаларнинг муҳли ҳисматидан жижканасиз. Қаёқдидир рўй берган ажабтовуру воқеалардан ҳайратга туласиз. Яна ўзингизни қизқитириган масалаларнинг ечимини шу газета орқали топагиниз, ҳуқуқий саводхонлигингизни оширишингиз, улуг тарихимиз, бой маданият меъросимиз, маънавият, маърифат ва бошқа соҳаларга оид материаллар билан танишиб бораётганингиз, газетадан катта маънавий, ҳуқуқий озиқ олаётганингиз, газетанинг ижодий жамоаси утган обуна-мавсумидан Сизни муқим мақолалар ва публицистик материаллар, турли тақдирларга оид очерклар, фелетон ва памфлетлар билан ҳушуд этишини кўзда тутган эди. Мақсадида эришиш, ваъдалари амалга ошди. Қолаверса, газетанинг яна унлаб одамларга фойдаси теги. Уларнинг муаммоларини ҳал этиб берди. Ҳа, буюк бобокалонимиз Амир Темури айтганидек, «Куч — адолатда»-дир. Унинг тантанаси оғир, аммо ҳузурбахшидир.

Газета 2000 йилда ҳам ўз аъналарини изчил давом эттириб муштарилар қизматида бўлади. Уларнинг энг яқин суҳбатдоши, ҳамроҳига айланади.

«Адолат» Сиз билан! «Адолат» Сиз учун! «Адолат» — адолатпарвар кишилар газетасидир!

Фурсатини бой берманг!
«Адолат» газетасининг обуна баҳоси: 12 ойга 2952 сўм.

Нашр курсаткичи: 100.

«Адолат»га обуна бўлинг!

ТўМАРИС ИЗДОШЛАРИ МАЙДОНДА

Жисмоний тарбия ва спортни хотин-қизлар ўртасида янада ривожлантириш ҳамда жасорат, адолат ва садоқат рамзи — она Ватанимиз мустақиллиги учун курашган момониз Олдиға мақсад қилиб қўйган «Тўмарис» уйинлар фестивали 11-13 ноябр кунлари Жиззах шаҳрида «Сўғдиёна» Марказий спорт уйи-ноҳида ўтказилади.

Бу мусобақада миллий спорт турлари ва халқ уйинларининг 11 тури бўйича республикамизнинг ҳар бир вилоятидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ун икки нафардан иштирокчи (бир нафари етакчи, бири эса ҳакам сифатида) қатнашади. Фестивалда 12 ёшдан 50 ёшгача бўлган она-сингилларимизнинг ўз минтақаларига ҳос миллий кийимда қатнашишлари кўзда тутилади.

Республика мусобақаларига қадар бу фестивалнинг икки босқичи — июн-июл ойлари туманларда ҳамда август-сентябр ойларида вилоятларда бўлиб ўтди. Мусобақаларда ногирон аёлларга ҳам алоҳида эътибор берилиб, улар ўрта-сиди шохмат баҳслари ўтказилади.

Республика Вазирилар Маҳкамасининг қароридида таъкидланганидек, мусобақани ўтказишда асосий мақсад — аёлларимизни оила, давлат ва жамият қурилиши-

даги мавқеини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жисмоний соғлигини мустаҳкамлашдан иборат, — деди ташкилий қўмита аъзоларидан бири Абдуҳалил Маликов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Бундан ташқари, улуг аждодларимиз қолдирган табаррук меросдан оқилона фойдаланиб, азалдан халқимиз ҳаётини ўзда муҳассамлаштириб келган — миллий халқ уйинларини қайта тиклаш, оммавийлаштиришни тарғиб ва ташвиқ қилишга ҳам хизмат қилади.

Ташкилий қўмитадан олинган маълумотларга кўра, бу фестивал ҳар икки йилда бир марта ўтказилиши режалаштирилган. Бу йилги илк мусобақанинг голиб ва совриндорлари ташкилий қўмита томонидан таъсис этилган умумий қиймати икки ярим миллион сумлик совғаларга эга бўлишади.

«Туркистон-пресс»

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ САЙЛОВЛАР ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти барпо этиш тақомил паллага кирди. Бунда демократия ва тараққиётнинг асосий тамойилларидан бири бўлмиш сайловнинг аҳамияти ўрни бор. Республика Олий Мажлиси биринчи қақирқ XV сессияси Ўзбекистонда навбатдаги Президентлик ва депутатлар сайловини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу муқим сиёсий тақдирда ҳар бир Ўзбекистон фуқароси фаол иштирок этиши лозим. Шу маънода Президент «одамларимиз, сайловчиларимизнинг сиёсий савияси ва маданиятини юксалтириш» энг долзарб масала деб билади. Биз бу орзунинг моҳиятидаги ҳикматни теран англаб олмоғимиз лозимки, ташланган ҳар бир онгли қадам она Ватан тараққиётига хизмат қилсин.

Мустақил тараққиёт ва дунё билан ҳамнафас яшаш тамойили асосида ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикасида 1999 йил 5 декабрда депутатлар қорусига ва 2000 йил 9 январидида эса Ўзбекистон Президентлигида навбатдаги янги сайловлар бўлиб ўтади.

Ҳуш, бу сайловлар аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилади ва ижтимоий тараққиётимизда унинг ўрни қандай бўлади? Президент И. Каримов Республика Олий Мажлисининг 1999 йил 19-20 август кўнлари бўлиб ўтган биринчи қақирқ XV сессиясида «Ватан озодлиги — олий саодат» мавзусида маъруза қилиб, ушбу масалаларга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Зеро, Президент фикрича, «бу сайловлар бизнинг мустақиллик даврида демократия бобида олтирган тақрибларимизни, демократик тамойиллар ҳаётимизга қанча-қанча кириб бораётганини, аҳолиимизнинг сиёсий савияси нечоғли юксалигини бундан дунёга яна бир қўрсатадиган имконият ва си-

нов бўлади». Демак, бу сайловларимиз икки имконият ва синовнинг намойиши бўлади. Биринчидан, мустақиллик даврида Ўзбекистонда ўзига ҳос Шарқ ва Ғарб демократияси тақрибларини уйғунлаштирган демократик жараён шаклланди. Бунда Шарқ демократиясининг инсонни улугвор билиш, тараққиётда тақдир жийлик (эволюция), реал шарт-шароитдан келиб чиқиб ҳаракат қилиш, масъулият ва фидойилик каби қадриятлари; Ғарб демократиясининг эса инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ошқоралик, ўз-ўзини танқид, омиқорлик ва ҳаракатчанлик сингари жиҳатлари олинди. Натияжада юртимиз барқарор ривожланиш учун шарт-шароит юзгага келди. Инсон омили дунёвий андозаларга мос даражада ривожга чиқа бошлади. Дунё Ўзбекистонининг ўзига ҳос тараққиёт йўлини эътироф этди. Марказий Осиёнинг мустақилликка эришган бир талай янги давлатлари ўз йўлларини танлаб олишда ҳамон мушкулликлар гирдобидида турибди. Ўзбекистонда эса ҳар бир шахсининг эркин фикрлаши, эркин ҳаракат қилиши ва эркин яшаш

учун ҳуқуқий асослар ҳамда ижтимоий-иқтисодий имкониятлар яратилди. Бу мустақиллик даври демократиясининг тантанасидир. Сайловлар даврида энда бу умидбахш инсонпарвар демократиямиз бўлунишча намойён бўлади ва улут бир синовдан ўтади. Иккинчидан, аҳолининг сиёсий савияси ошган. Бугунги одамлар бундан саккиз йил бурунги инсонлар эмас. Энди улар мустақиллик лаззатини топиб қурган, узлиги қўлида бўлган озод ва обод Ватанда яшаган, Ватан тақдирини виждоний бурч сифатида қабул қилади-ган сиёсий маданиятли шахсолардир. Бундан ўн-тўрт йил аввал ҳам мустақилликка шўбха билан қаровчилар топилар эди. Аммо мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг натижа бера болашши оқибатида одамлар онги ўзгара бошлади. Энди улар ўз давлатида яшашни саодат манбан сифатида қабул қилишади. Собиқ совет то-талитар жамиятида қўлардаги ашаганликларини англашди. Халқимиз сиёсий савиясининг юксалганлиги маъшум февраль воқеаларига муносабатда ҳам намойён бўлди. Бу манфур во-

(Давоми 2-бетда).

Иккинчиси: «Хар қандай масалаларга доир вазмин мулоҳазалар, пухта ўйланган хулосалар билдириш».

Учинчиси: Эзгу мақсадлар йўлида «...кенг жамоатчиликнинг уз фикрига тарафдор этиш, авваламбор, миллий

(Давоми 3-бетда).

Йўлдош СУЛАЙМОН

КУРАШ КЕТАПТИ

Дунёда диёнат ҳали мавжуддир,
Ҳали мард йигитлар яшаб юрибди.
Абдулла ОРИПОВ.

Ўзини кўрсатиб, «мен»лайдиганлар,
Каттаю кичикни «сен»лайдиганлар —
Ҳаёлида гўёки бошқалар чўпдир,
Шундайлар бор эди, ҳозир ҳам кўпдир.
Ҳоинлик, ожизлик худбиндан чиқар,
Жоним деб Ватандан, гоҳ диндан чиқар.
Қаерда бўшашса, дўстлигу бирлик,
Бош кўтарар шайтон, ўша қитмирлик!
Бир-бирини депса, амал талашар,
Чалишу чайқашнинг пайида яшар.
Бировнинг ютуғи этади ҳафа,
Саховат эшигин кизганиб ёлар.
Ота боласидан олмайди хабар,
Эртадан кечгача қаёққа чопар?!
Наҳот яхшиларнинг бари сурилган,
Наҳот кўна дунё шундай қурилган?!
Наҳотки, журнат ҳам ўзини ўйлар,
Эртангнинг ошро тузини ўйлар?!
Хар ким ўзига хос хислатга эга,
Йўқми бир-бирини соғинадиган,
Йўқми, ҳалолликка сиғинадиган?!
Ўзидан ўзгани сизлайдиганлар,
Меҳру муҳаббатни излайдиганлар,
Ватан шаъни учун ўзини тиккан,
Эзгулик уруғин эккани эккан —
Одамлар йўқолиб кетмаган ҳали,
Дунё киёматга етмаган ҳали!
Ҳамма бир-бирини соғинадиган,
Фақат ҳалолликка сиғинадиган —
Замон яратишга кураш кетяпти,
Ўзин аямаган бунга етятипти!

ФАХРИМ МЕНИНГ

Она юрт, ҳар лаҳза айёмнинг сенинг,
Шу айём чоғларинг доим бор бўлсин.
Бу тилак фарзандлик каломим менинг —
Куйласам қўлимда мадҳинг — тор бўлсин.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг.

Сарҳад не билмайди қалбимда шодлик,
Не бахтки, элимда ХҲРлик, Озодлик.
Юртинг ҳар гўшаи, қишлоғига боқ —
Хурлик шарофати — ҳар ён ободлик.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг.

Улуғ-эзгу ишга Юртбошим қанот,
Ўтли нигоҳида шиддат ва сабот.
Элим деб, юртим деб ёнмоқлик учун —
Бизни эзгуликка қорлайди бот-бот.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг.

Халқим, қувончинга қувонч кўшай мен,
Истиклол йўлига гуллар тўшай мен.
Шу қувонч нахрида бир тўлқин бўлиб —
«Халқ — дарё, халқ денгиз» — бирга жўшай мен.

Ўзбекистон — ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг.

Иқболинг порласин мисоли Кўёш,
Шундай ният билан яшар кекса-ёш.
Юзинг ёруғ бўлсин дунё турғунча —
Майли, кўзинг бўлай, майли, бўлай қош.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг.

Аждодлар руҳи шод, демак, буюксан —
ОНАсан — фарзандга мудом суюксан.
Мен ҳам бир фарзандинг — хизматинга шай —
Жондан ҳам кечгайман, ВА-ТАН, буюрсанг.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг...

Қурмоқ ниятимиз ҳукукий давлат,
Оғоҳлик, хушёрлик — тинчликка даъват.
Ҳиёнат қилса ким — Ватанга, элга —
Худо ҳам кечирмас абадун-абад.

Ўзбекистон — Ватаним менинг,
Сенга фарзандлигим, бу — фахрим менинг!!!

Ғулмжон ШУКУРОВ,
хукуқшунос.

Хулқи гўзал, ширинсухан ва меҳрибон мураб-
бийни мурғак қалби болалар тез ажратиб оли-
шди. Опажон, опажон деб ундан меҳр олади.
Одоб ҳазинасини юрагига жойлаган бочка опа-
лардан яхши тарбия топган болалар ақли ва
идроқли бўладилар. Мана шундай қалби дарё
тарбиячилардан бири Муршида Юсупова пойта-
хтдаги Юнусобод туманида жойлашган «Сурхон»

номли 499'болалар боғчасида услубчи бўлиб
ишлайётганига ўн йилдан ошди. У ўзи табиати-
ни севади, атроф-муҳитни асраб-авайлашни
муқаддас билади, болаларга ҳам шуларни ўр-
натади.
СУРАТДА: Муршида Юсупова болалар дав-
расида.
Хусанбой АБВАЛОВ олган сурат.

СИЗ ЯХШИЛАР ТАРАФИДАСИЗ

...Сирдарёда кетма-кет ўғирлик ва босқин-
чилик, қотилликлар рўй бераверди. Аммо аниқ
далиллар, ҳатто гумонлар ҳам йўқ. Содир
этилган жиноятларни топишга энг тажрибали
ходимлар танланди. Шуларнинг бири вилоят
прокуратурасининг катта терговчиси Ислон
Умаров эди.

1998 йил 11 май куни
Гулистон шаҳрида фуқа-
ро Фарҳод Латипов ваҳ-
шиёна ўлдирилди. Воқеа
Шарофиддин Зокировни-
нг уйида куй берганлиги
анча кейин маълум бўл-
ди. Бироқ бу ишни очиб
жуда қийин кечди. Мур-
да болалар аравачасига
солиниб, сим билан бо-
ланган ва катта қанали-
ниг чуқур жойига чуқури-
б юборилган эди.

Орадан кўп ўтмай
Ҳайдарали Абдуҷалилов
ўлдирилди. Кейин яна қо-
тилик, босқинчилик...
Ислон Умаров бу ишлар-
нинг ҳаммасида қан-
дайдир ўхшашлик, яқин-
лик борлигини сездди.
Кейин гумонлар асосида
режа тузилиб, ишга қў-
сонли тезкор ходимлар
жалб қилинди. Ислон
Умаров ҳамма режалар-
ни бажаришда фаол қат-
нашди. Бошқа вилоятлар,
ҳатто қўшни мамлакат-
лар билан алоқалар қу-
чайтирилди.

Ислон Умаров бошла-
ган иш тобора кенгайиб,
янги-янги далиллар то-
пилди. Шу аснода бир
гuruh қотил ва босқинчи-
лар бошлиғи, Фарғона
вилоятининг Риштон ту-
манида туғилган Шаро-
фиддин Зокиров экани
аниқ бўлди. Поп тумани-
да чол-кампири Ирстой
Ботиров ва Майсара Ту-
раевани ваҳшиётларча ў-
лдириб кетган, Беруний
номли давлат хужалиғи
кассасидан пулат сан-
диқни олиб кетиб, ичида

54700 сўм пулни умар-
ган, Гулистон ва Сирдарё
шаҳарларида Ҳамро Ҳам-
роев билан Жаббор
Шайбековларни қийнаб,
ғоят шафқатсизлик билан
ўлдирганлар ҳам Ш. Зоки-
ров ва унинг шериклари
экан.

Шу нарса галатики, Зо-
кировнинг узигина эмас,
икки ўғли, қизлари, қўви
ҳам жиноий гуруҳга аъзо бў-
лишган. Улар 1987 йилдан
бошлаб босқинчилик, одам
ўлдириб билан шугулланиб
келишгану қўлга тушишма-
ган.

Нера? Қандай қилиб?

Зокировлар бир жойда
узқот утирмай, мунтазам су-
ратда қўчиб юришган. Шун-
да ҳам улар эл орасида бў-
лишмай, дала шийонлари-
да, аҳоли яшайдиган қур-
гонлардан узоқроқдаги
фермалар ва ташландиқ
биноларда яшаб юришган,
манзилларини тез-тез ўз-
гариштиришган. Лекин
қачонгача давом этарди
бундай жижанч ҳаёт?

Нихоят, Шарофиддин Зо-
киров, унинг ўғиллари Шо-
кир ва Раҳим Зокировлар,
қизи Қумри Зокирова, гу-
руҳ аъзолари Қобил Гу-
рӯв, Облаберди Рузиев,
Малика Ориповалар суд-
нинг қора курсисига ўтқа-
зиди. Ислон Умаров ҳам-
касблари қатори оғир меҳ-
натдан сўнг энгил нафас
олди.

Энг қийин, чигал ишлар
Ислон Умаровга топири-
ладиган бўлиб қолди. Шун-
дай ишларнинг бири Аҳме-
довлар уйида рўй берган
фожеа эди.

ДАН ходими Неъмат Аҳме-
дов ўз хотини Насибани
хўрлаб, охири у билан аж-
рашди. Аёл уч ўғилча би-
лан қолди. Бироқ Аҳмедов
тез-тез келиб, собиқ хотини
ни қалтаклар, уйни бўшат
деб тинч қўймасди. Аёл са-
бр қилиб утираверди. Бун-
дан даргазаб бўлган Неъмат
айни қиш кунларида
уйдаги электр токи ва газ-
ни тармоқдан узиб, она-
болаларни қийин аҳволда
қолдирди. Бу «чора» ҳам
иш бермаган, Аҳмедов бир
идишда бензин олиб келиб,
шу бугуноқ аёл ўзини ёқиб
юборишини талаб қилди.
«Акс холда ўзим ўлдириб,
мурдангичи ҳам ҳеч ким то-
полмайди қиладим!» деб
қўрқитди.

Шурлик аёлда бошқа
илоҳ қолмади. Чунки у со-
биқ эри устидан бир неча
идорага ариза ёзиб, ёрдам
сўрган эди, наҳот бўлма-
ди. Энди анави талаб, эвоҳ,
бу қандай жабр? Менку бе-
ғонаман, ўз ўғли узиники-
ку, деб ички тўғён билан но-
ла қиларди бечора аёл, на-
ҳотки шу болаларини етим
қолдиришга ачинмаса?

Охири фожеа юз берди.
Шурлик аёл уч норасида
ўғилни сўнгги бор бағрига
босди-да, ўз жонига қасд
қилди.

Ислон Умаров шу иш-
нинг терговини ўз қўлига
олди. Қўп ишлари у.

Бу гал Умаровга ҳеч ким,
ҳеч нарса тўқсинлик қилол-
мади. Тергов тугаб, иш суд-
га ўтказилди. Неъмат Аҳме-
дов етти йил муддатга
озодликдан маҳрум қилин-
ди. Адонат тикланди. Аммо
бундан не фойда? Ахир ёш-
гина бир аёл жуда эрта ҳа-
мон бўлди. Уч нафар бола
онаизор дийдоридан, онаиз-
зор меҳридан маҳрум қи-
линди. Бу алам, даҳшат
юрисст Ислон Умаров қал-

Нега шундай деймиз

ЎТСИЗ ЎРТНИБ, ЎТИНСИЗ ТУТАБ
ЎТИБДИ

Бошига оғир мушкул иш тушган, фалокатга йўлиқ-
қан, ҳасрати, юрак дарди ҳаддан ташқари ошиб кет-
ган қайғули, ғамли кишига нисбатан «Ўтсиз ўртаниб,
Ўтинсиз тутаб ўтибди» ибораси ишлатилади.

ПИНАГИНИ БУЗМАЙДИ

Пинак — ҳаёл, вазият, фикр, ўйлаш маъносига иш-
латилади. Бир одам устига хоҳ гап билан, хоҳ қурол
билан иккинчи бир одам ҳужум қилган вақтида, ўша
одам парво қилмайди. Ёки бир одам ўзидан катта-
роқ бир кишидан қаттиқ ҳақорат эшитганда ҳам парво
қилмайди, вазиятини бузмайди, ҳаёли, фикри-зиқри
ўзгармайди, ҳаёжонланмайди. Мана бундай одамга
«пинагини бузмайди» ибораси ишлатилади.

БИР ҚОШИҚ СУВ БИЛАН
ЮТСА БҮЛАДИ

Нихоятда гўзал, барно қизларга нисбатан шундай
ибора ишлатилади.

Машҳур шоир Отоий дейди:

Ул санамким, сув яқосида паридек ўлтурур,
Ғоят нозуқлиқин сув билан ютса бўлур.

бева аёлни ҳимоя қил-
ган» деган заҳарли гап-
ларни эшитди. Ҳатто ун-
га бош прокурорга бориб
арз қиламан деб дағда-
га қилишди.

— Майли, — деди Ис-
лом Умаров юмшоқгина,
— бу сизнинг ҳуқуқингиз.
Агар айбдор бўлсам, жа-
золашади.

Сирдарё вилоят проку-
ратураси жиноятларни
тергов қилиш бўлимининг
бошлиғи Ислон Умаров-
га бу гапни айтиш, таги
пуч таъналарни эшитиш
осон бўлди дейсизми? Бу
дағдагалардан унинг
қалби қаттиқ озор чекди.
Бироқ илоҳи қанча. Ҳам-
ма қатори унга ҳам одам-
ларга қаттиқ гапиршиш, қў-
поллик ман қилинган.

Гаплари жавоблари ис-
боту далиллардан ибор-
ат холос. Қонун ҳимоя-
чиси ортиқча гап айтол-
майди. Фақат ростни
эмас, ёлғонни ҳам сабр-
тоқат билан эшитишга
мажбур. Хулосани эса
яна уша далиллар, ис-
ботлар беради. Ислон
Умаров шунга одатлан-
ган. Шу одат умр бўйи
хамроҳи бўлиб қолди.

Мен саводли терговчи,
ўз ишига фидойи ҳуқуқ-
шунос Умаровга ушбу
дил сузларини йўлла-
моқчиман: танлаган йў-
лингиз тугри. Бу йўлда
шамоллар, жалапар, бу-
ронлар ҳам бўлиши мум-
кин. Аммо сиз бир нар-
сани унутманг. Бутун
фаолиятингиз билан
ёмонларни жезолашга,
яхшиликни, адолатни ар-
доқлашга хизмат қил-
сиз. Сиз яхшилар тара-
фидасиз.

Саминжон
СУЛТОНОВ.

● Сўраган

экансиз...

ДИВИДЕНТДАН

СОЛИҚ ОЛИШ

ТАРТИБИ

Ҳурматли таҳри-
рият! Ҳозир жуда кўп-
лаб ҳиссасдорлик жа-
миятларида акция-
дорлар ўз улушлари-
га қараб дивиденд-
фойда олишяпти.
Айтингчи, олинган
дивиденддан солиқ
олиш тартиби қан-
дай?

А. МУРОДҲУЖАЕВ,
Тошкент шаҳри.

Ушбу саволга Ўзбе-
кистон Республикаси
Давлат солиқ қўми-
таси раисининг ўринбо-
сари Ш. Сатторов
қуйдагича жавоб бе-
ради:

Ўзбекистон Респу-
бликаси Давлат солиқ қў-
митаси жисмоний шах-
сларнинг даромадлари-
га солинадиган солиқ
бўйича берилган им-
тиёзларнинг дивиденд-
ларга нисбатан қўлла-
шмаслигини қўриб чи-
қиб, қуйдагиларни
маълум қилади.

Ўзбекистон Респу-
бликаси Вазирлар Маҳ-
камасининг 5 декабрь
1997 йили тасдиқлан-
ган 540-қарори ва 31 де-
кабрь 1998 йили тасдиқ-
ланган 541-қарорига
асосан, дивидендлар-
дан 15 фоиз миқдори-
да солиқ олиниши бел-
гиланган.

Ўзбекистон Респу-
бликаси Молия Вазирли-
ги ва Давлат солиқ қў-
митасининг 23 февраль
1998 йилдаги 08/98-18
сонли «Жисмоний шах-
слар даромадларидан
ундириладиган даро-
мад солиғини ҳисоблаш
ва бюджетга тўлаш тар-
тиби тўғрисида»-ги йў-
риқномасининг (Адлия
Вазирлигида 1998 йили
11 июнда 444 сон би-
лан рўйхатдан ўтган)

21-бандига асосан жис-
моний шахслар даро-
мадларини солиққа
тортишда дивидендлар
ва фойзалар бўйича оли-
надиган даромадлар
умумий даромаддан че-
ғириб ташланади.

Шуни ҳисобга олиб,
Солиқ кодексининг 59-
моддасида жисмоний
шахсларнинг даромад-
ларига солинадиган со-
лиқ бўйича берилган
имтиёзлар, дивиденд-
ларга нисбатан қўлла-
нмайди.

(Давоми. Боши
1-2 бетларда).

САЙЛОВ ҚАДРИЯТЛАРИ ВА САЙЛАНИШ МЕЗОНИ

манфаатларимизга хизмат
қиладиган гошларнинг қўн-
га айланиши учун кураш олиб
бориш даркор».

Бундай таъсирчан восита-
ларни асос қилиб олиш ҳар
бир тараққийпарвар давлат-
нинг, жамиятнинг қиёфаси-
ни белгилайди. Унда сиёсий
мақсадлардан ўз манфаат-
ларини йўлида фойдаланишдек
манфур ҳаракатлар рад эти-
лади. Қўп ҳолларда халқаро
тажрибаларда сиёсий
«уйин»лар натижасида ман-
фаатларга эришиш кузати-
лган. Лекин Ўзбекистон жа-
миётида демократияни бун-
да илҳом қилиб олишга йўл
қўйилмади. Сайловдаги
тарғибот ишларида фақат
«миллий манфаатларимизга
хизмат қиладиган гошларнинг
қўн-га айланиши учун кура-
ш» шундай қилиб, Президент
сайлов мавсумида иштирок
этидиган сиёсий партиялар
ва ҳаракатларнинг фақат бу-
недорлик ва Яратувчилик
йўлидан боришини истади.
«Барока тоғулар, бунёд-
корлик, яратувчанлик иши
билан обрў топти!».

Зеро, сайлов мавсумида
олиб бориладиган тарғибот-
ташвиқот йўли бу — Маври-
фат ва Маънавият йўлидир.
Бу жараёни еритиш ом-
лий аҳборот воситалари ани-
қасида. Бунинг учун Прези-
дент икки таълиқла асос-
лашнинг маълум қўлади.
«Пўхалик ва бетарафлик»,
«Халқ буним оммавий аҳборот
воситаларидан қўтиб қолади.

Ўзбекистонда ўтказилади-
ган сайловлар ўз қадриятла-
ри ва мезонларига эга. Бу бо-
рада Президент қуйдагича
сайлов қадриятларини кура-
ди:

Биринчи: «Сайловлар
одамларнинг маҳаллийчилик,
уруғ-аймоқчилик, қабилачи-
лик белгилари асосида ажра-
либ қотишига сабаб бўлмас-
лиги керак».

Иккинчи: Сайловларда «ку-
раётган барча тadbирлари-
мининг асосий мезони, асо-
сий мақсади деб ягона му-
ҳим вазифани қўрмоғимиз ва
шунга эришмоғимиз даркор».

Учинчи: «Сайловларда со-
вет давридан қолган асорат-
ларга йўл қўймаслик керак.
Қўпича маҳаллий ҳокимият
идоралари вакилларининг би-
либ-билмас аралашуви,
ҳайбаракалчиликни қонун та-
лаблари бўлишига олиб ке-
лади».

Тўртинчи: «Сайловларни
ўтказишда илгари тупланган
ижобий тажрибага суяниш,
йўл қўйилган нуқсонларни та-
ққилмаслик, илгор тажриба-
си ва демократия тамойил-
лари ўстуворлигига эришиш
олдимизда турган гош
масъулиятли вазифадир».

Бу тўрт сайлов қадрияти

сайловчилар, сайлов комис-
сиялари ва сайлов ишлари
билан шугулланувчи мутасад-
ди ташкилотлар, оммавий ах-
борот воситалари вакиллари,
умуман, ҳар бир онгли фуқа-
ро томонидан ағлаб олини-
ши лозим. Унга қара, сайлов-
лар ҳамжиҳатлик асосида ўти-
ши, тараққиётга хизмат қи-
лиши, ҳокимият идораларини-
нг асосий аралашувига йўл
қўйилмаслиги ва миллий ҳам-
да жаҳон тажрибаларига таъ-
ниб ўтказилиши шарт. Бу
шунчаки чора-тадбирлар
эмас, балки мамлакат фуқа-
раларининг сиёсий мадания-
ти ва савиясини дунё афғор
оммаси олдида намойиш эта-
диган қоқоқидир. Шу сабаб-
ли бу қадриятлар йўналиш бе-
рувчи таъиннома бўлиб хиз-
мат қилади.

Ўзбекистонда ўзига хос де-
мократик сайлов жараёнини-
нг бўлиб ўтиши мулжаллан-
моқда. Бунинг учун мамлакат
фуқароларида уюшувчанлик
ва сиёсий хушёрлик талаб
этилади. Чунки ҳар бир қада-
мимизни гаразли ният билан
кузатиб қолганлар, сайлов жа-
раёнидаги андак нуқсонлар-
дан аюҳаннос солишга шай
турганлар бор, ана шундай га-

разли кимсалар сайлов мав-
сумидан жамиятини беқарор-
ликка бошлаш учун фойдала-
нишга уринадилар. Бунга
барҳам бериш учун Президе-
нт назарда тутган сайловни-
нг турт қадриятини ўзлашти-
риб олиш ва унга амал қи-
лиш лозимдир.

Сайлов қадриятларидан
яна бири, номзодларнинг му-
носиб танланишидир. Бу бо-
рада Президент фикри бун-
дай: «Депутат (ёки Президе-
нт) — А. Е.) бўлишни истаган
одам, аввало, ҳалол-поқлиги,
маънавий етуқлиги, қобилия-
ти, теран билими, эл-юрт
манфаатини шахсий манфаа-
тидан устун қўйиш каби хус-
сиятлари билангина сайлов-
чиларнинг ишончига сазовор
бўлиши мумкин». Бу ўз на-
батида номзодлар учун ўзи-
га хос мезондир. Демак, ном-
зод одам:

— ҳалол пок,
— маънавий етуқ,
— теран билимли ва қоби-
лиятли,
— эл-юрт манфаатини у-
стувор билувчи,
— фидойи инсон бўлиши
шарт.

Агар мана шундай фази-
латларга эга инсонлар Олий
ҳокимият органларига сайлан-

салар, мамлакатимиз янада
юксак тараққиёт жараёнига
киради. Албатта, шולי курам-
сиз бўлмаганидек, укувсиз ва
нопоқ одамлар ҳам ўз ном-
зодларини қўйишга интила-
дилар. Бундай ҳолларда му-
тасаддилар ақл билан иш қи-
ришлари, сайловнинг тақдир
масаласини ҳал қилувчи сиё-
сий жараён эканлигини унут-
маган ҳолда ҳаракат қилиш-
лари лозим бўлади.

Шу билан бир қаторда
Президент сайловчиларни-
нг ҳам сиёсий маданияти ва
онгли кўксак даражада бўлиши-
ни истади. Унга қара,
сайловчилар:

Биринчи: «Авалло ўз хо-
ҳиш-иродасига суяниб, ўз
иймоянига суяниб, мустақил
ва онгли равишда овоз бер-
син». Демак бунда хоҳиш-
ирода, иймон, мустақил фи-
қрлик ва онглилик муҳим-
дир.

Иккинчи: «Ҳар бир сайлов-
чи ўз бурчини собиқ Итти-
фок даврида бўлганга овоз
сайлов бюллетенларини ои-
ла-оила бўлиб, қўтига таш-
лашдан иборат деб билмай,
... бу жараёни онгли равиш-
да олишмоғи, ўз овози жа-
мият ва давлат ҳаёти учун,
кељаж учун аҳамиятли экан-

лини, сайловчи сифатида
зиммасида катта масъулият
борлигини ағлаб етишга
эришмоғи даркор». Бунда
сайлаш ҳуқуқига эга бўлган
ҳар бир инсоннинг сиёсий
фаоллик қўрсатуви муҳим аҳа-
миятга эгадир.

Собиқ тоталитар совет
даврида сайловда оила ва-
кили барча оила аъзолари
учун ўз билганича «овоз бе-
риб» келаверар эди. Бу, ав-
вало, демократияга, қолавер-
са, давлат ва жамиятга нис-
батан ишончсизлик белгиси
эди. Янги Ўзбекистон сайлов-
ларида бундай ҳужақурсин-
лиқка йўл қўйилмади. Аксин-
ча, бугунги Ўзбекистон фу-
қароси сайловда ўзининг етуқ
шахслилигини намойиш қи-
лади. У Ватан ва тараққиёт тақ-
дир учун ўзини масъул се-
зади. «Мана шу мақсадга
эришган ҳолда, — дейди Пре-
зидент, — сайлов натижалар-
идан қониқиб ва мамнуният
ҳосил қилиш мумкин». Бу
барчамаънавий онгли равиш-
да сиёсий фаол бўлишимиз-
га боғлиқ.

